

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 15

Самарқанд шахри

<<16>> январ 2022 йил

"Улгуржи таминол" Х.К. кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади, Унинг низоми асосида иш юритувчи раҳбар Солиев Д номидан, бир томондан ва СамМН 1-клиникаси, кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Унинг низоми асосида иш юритувчи бош врач Абдуллаева Н.Н. номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қўлидагилар ҳақида туздилар

1. ШАРТНОМАННИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар (маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан "Сотиб олувчи"га мулк қилиб топшириши, "Сотиб олувчи" эса товар (маҳсулот)ни қабул қилиши ва ушбу шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (маҳсулотлар) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Картонка	кг	1000	5 800	5 800 000
	Жами				5 800 000

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: 2022 й <<31>> декабргача

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

- 2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси Беш миллион саккиз юз минг сўмни ташкил этади.
- 2.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тўлов миқдори 1 740 000 сўмни, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг январ ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 4 060 000 сўмни, яъни келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил "31" декабргача амалга оширилади.
- 2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириши йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:
- 3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириши.
- 3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифатли ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларига мувофиқ келиши керак.
- 3.1.3. Сотувчи тўғламда яроқсиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириши ёки шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.
- 3.1.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.
- 3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:
- 3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартномани ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.
- 3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.
- 3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳаққини тўлаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

- 4.1. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгаришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар шартнома инобатга олинishi зарур.
- 4.2. Шартнома қонунчилик ўзгарганда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолатларда қайта тузилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қўйиладиган миқдорда жарима тўлайди;
- 5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5% миқдоридан, тез бузиладиган товарла бўйича эса 10% миқдоридан жарима тўлайди;
- 5.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20% миқдоридан жарима тўлайди, бутланмаган товарни топширмаганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 20% миқдоридан жарима тўлайди.
- 5.4. Товар ҳаққини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўлашмаган сумманинг 0,4% миқдоридан, лекин кечиктирилган тўлов суммасининг 50%дан ортиқ бўлмаган миқдоридан пеня тўлайди.
- 5.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50%дан ошиб кетмаслиги лозим.
- 5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришидан озод қилмайди.
- 5.7. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомидан етказиб берилган товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 6.1. Мазкур шартнома 2022 йил <<26>> январдан 2022 йил <<31>> декабргача амалда бўлади.
6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири ушунга бир нусхасини берилади.
6.3. Шартнома муддатидан олдин қўлидаги ҳолатларда бекор қилиниши мумкин:
- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. ҳоқуқчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда;
- Форс-Мажор ҳолатларда.

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

- 7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонун ҳамда бошқа қонуни ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга ва Фуқаролик кодексида олинган ҳужалик суди тартибида ҳал қилинади.
7.3. Келишмовчиликлар юзга келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокара йўли билан ҳал қилинади, келишмаган ҳолда бўлмаганда Иктисодий судида ҳал қилинади.

8. ФОРС-МАЖОР

- 8.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда муайян шароитда олдинки олиб бўлмайдиган воқеалар (табиий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити, ҳукумат тадбирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, ҳарбий тоқиблар, ички тартиббузарликлар ва бошқа табиий офатлар) форс-мажор туфайли бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса жавобгар бўлмайди.
8.2. Мазкур шартнома бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаса томонлар Ўзбекистон Республикаси "Хужалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги қонунлари талаблари бўйича жавобгар бўлади.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

- 9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар арасида имзоланиши керак.
9.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатдан илгари бекор қилиниши мумкин.
9.3. Мазкур №15 сонли шартнома <<26>> январдан 2 нусхада тузилган бўлиб, 2022 йил <<26>> январдан 2022 йил <<31>> декабргача амал қилади, Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Самарқанд вилоят Ғазначилик бошқармасидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

<<СОТУВЧИ>>

"Улгуржи таъминот" Х.К.
Самарқанд тумани. Талибарзу кургони МФЙ
х/р: 20208000705085410001


АКБ «Капитал Банк» Сам.фил.

МФО: 01061

ИНН: 306478950

ОКОНХ:

Тел/факс:

Директор:  Солиев Д.

Мухр:

<<СОТИБ ОЛУВЧИ>>

СамМИ 1-клиникаси

Самарқанд шаҳар Анжобай куч 6-уй

ш/р: : 401310860184017073101054003

Банк номи: ДАТ Илак Йўли

МФО: 00283

ИНН: 201007901

ОКОНХ: 91511

Тел/факс:

Бош врач:  Абдуллаева Н.Н.

Мухр:

Молия Вазирлиги Ғазначилиги ягона

Ғазна ҳисоб вақраги

х/р 23402000300100001010

Марказий банк Тош. Шаҳар бош бошқармаси

ИНН: 201122919

МФО: 00014

Ҳуқуқшуноснинг хулосаси: Ушбу шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 353 ва 354 моддалари ҳамда 437-456- моддалари ҳамда Ўзбекистон республикасининг 29.08.1998 йилдаги "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг 11 бўлим 31, 32, 34-моддалари талабларига жавоб беради.

Ҳуқуқшунос

Амиров Ж.

Ҳуқуқшунос

2022 йил <<26>> январда тузилган №15 шартноманинг 2 вараги